

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ САМАРАДОРЛИГИ

П.Ф.Н. З.К.Курбаниязова

Нукус ДПИ «Бошлангич таълим»

кафедраси мудири,

педагогика фанлари номзоди

EFFECTIVENESS OF DISTANCE DISTANCE EDUCATION IN HIGHER EDUCATION SYSTEM

Ph.D. ZK Kurbaniyazova

Nukus DPI "Primary education" head of department, Candidate of pedagogical sciences

Хозирги вақтда “масофавий таълим” ибораси бутун дунё таълими лексиконидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Кейинги ўн йилликларда масофавий таълим ва ахборот маданияти жаҳоншумул ҳодисага айланди ҳамда қўплаб мамлакатларнинг таълими мазмунини ўзгартириб юборди. Шу боис республикамиздаги олий таълим муассасаларини Интернет тармоғига улаш ва уларда электрон алоқаларни йўлга қўйиш масаласига эътибор анча кучайтирилди. Буларнинг барчаси республика олий таълим муассасаларига янги педагогик ва ахборот технологияларини, жумладан, масофавий таълимни жорий этиш, Интернет орқали форум, видеоконференциялар ўтказиш, электрон машғулотлар тизими ҳамда ўкув қўлланмалар яратиш ва уларни олий таълим жараёнида қўллашга қаратилган тадбирларга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамиятни ахборотлаштириш муаммоси олий таълим муассасалари олдига талабаларни янги вазиятларда (таълим жараёнини ахборотлаштириш шароитида) ишлашга, аралаш таълим технологиялари ва масофавий таълим шаклларини амалда жорий этишга ўргатиш, уларнинг педагогик компетентлигини замон талаблари даражасида ривожлантириш масаласини қўйди. Бундан кўринадики, олий таълим муассасалари таълим олаётган талабаларнинг аралаш таълим шароитида ишлашга тайёргарлигини оширишлари ва масофавий таълим шаклларини ўзлаштиришлари заруратга айланмоқда.

В.И.Овсянников, В.П.Кашичин ўзларнинг “Россиядаги масофавий таълим: муаммо қўйиш ва ташкил этиш тажрибаси” номли китобида масофавий таълим, масофавий ўқитиш ва масофавий таълим технологияларига турлича таърифларни келтириб ўтишган [5]. Масофавий таълим (МТ) – бу “анъанавий, янги ахборот ва телекоммуникация технологиялари, техник воситаларнинг кенг спектридан фойдаланишга асосланган ўқитишнинг универсал гуманистик шакли бўлиб, бунда таълим стандартларига жавоб берадиган ўкув фанларини эркин танлашлари, ўқитувчilar билан мунтазам равиша мулоқотга киришлари учун таълим олувчиларга барча шарт-шароитлар яратилади, ўқитиш жараёни уларнинг жойига ва вақтига боғлиқ бўлмайди”.

“Масофавий таълим” ва “масофавий ўқитиш” атамалари ўтган асрнинг 90-йилларидан, яъни масофавий таълим тизими шаклланган вақтдан бошлаб, педагогика фанида мунтазам қўлланиладиган бўлди. Айни вақтда масофавий таълим тизими такомиллашган бўлишига қарамай, “масофавий таълим” ва “масофавий ўқитиш” каби атамаларнинг моҳияти борасида турлича илмий қарашлар мавжуд. Педагогик илмий тадқиқот ишлари ва ўкув-методик адабиётларда масофавий таълим тушунчасининг турлича таърифларини учратиш мумкин.

Масофавий таълим – бу талабанинг муайян таълимий даражага эга бўлиши ва уни амалда тасдиқлаши учун масофадан ўқитиш жараёни жорий этиш тизими бўлиб, бу унинг кейинги ижодий ва меҳнат фаолияти учун асос бўлиб ҳисобланади [7].

А.В.Солововнинг фикрига кўра, “масофавий таълим – ўкув ахборотлари алмашиниш воситалари (ер сунъий йўлдоши, телевидение, радио, компьютер алоқа ва бошқалар)га таяниб, ихтисослаштирилган ахборот муҳити ёрдамида мамлакат ва хорижий давлатлар аҳолисининг кенг қатламига масофадан

тақдим этиладиган таълим хизматларининг мажмудири. Масофавий ўқитиши-талабанинг мустақил билим олиш тамойилига таянуви таълим жараёнининг янги тузилмаси хисобланади. Таълим муҳити шу билан характерланини, таълим оловчилар асосан ёки бутунлай фазо (ёки) вақт жиҳатдан ўқитувчидан узоқда ва айни вақтда улар истаган пайтларида телекоммуникация воситалари ёрдамида мулоқот қилиш имконига эга бўладилар” [10].

О.Д.Рахимов, Қ.О.Мустафаев, Н.И.Зоировлар томонидан масофавий таълим – талабаларни илмий фикрлашга ўргатиш, ўкув фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чукурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида фаоллигини кучайтиришда уларнинг дастурий билим, тасаввур ва кўниммалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади [6]. Масофали таълимда ўқитиши модели (ягоналик модели, иккиланганлик модели, аралаш модель, консорциум, франчайзинг, валидация, узоқлаштирилган аудиториялар ва лойиҳалар), технологиялар (кейс, корреспондентлик таълим, радиотелевизион, тармоқли таълим ва мобил), категориялар (синхрон ва асинхрон) асосий ўрин тутади.

У.Ш.Бегимқулов, Р.Боқиев, Х.Тўхтаматовлар томонидан яратилган масофавий таълим атамалари изоҳли луғатида масофавий ўқитиши – педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштириши ташкил этиш ва бошқариш амалиёти билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлайди [3]. Масофавий таълим йироқлашган аудитория таълим муассасасида ташкил этилган ўкув курслари, маъруза ва семинарлар синхрон телекўрсатув, видеоконференция, телекоммуникация каналлари орқали талабалар йигилган аудиторияларда намойиш қилинади.

А.Д.Аскаровнинг илмий қарашларида таълимнинг аралашган модели – масофали ўқитишининг турли шаклларини қамраб олади, тўғрироғи, турли масалалар интеграцияси, масалан таълим оловчилар ўкув материалининг маълум бир қисмини масофавий ўқитиши билан кетма-кет, бошқа қисмларини параллел равища кундузги бевосита ўқитиши орқали олади [2].

Н.В.Монахов эса “Масофавий таълим – ўқитишининг ўзига хос, мукаммаллашган шакли бўлиб, у ўзида янги ахборот технологиялари ва мультимедиа тизимида асосланган таълимнинг кундузги, кундузги-сиртқи, сиртқи ва кечки элементларини мужассам этади. Масофавий ўқитиши – бу таълим олиш шаклларидан бири бўлиб, таълим жараёнинда компютерлар ва телекоммуникацион технологияларга асосланган ҳолда ўқитишининг энг яхши анъанавий ва инновацион усуслари, воситалар ва шаклларидан фойдаланишдир” [4] деб таъриф берган.

Педагогика фанидан изоҳли луғатда “Масофавий таълим – масофавий таълим методлари асосланган ҳолда аҳолининг кенг катламларига тақдим этилувчи замонавий таълим хизматлари мажмуси. Масофавий ўқитиши – ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз “масофадан ўқитиши” имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишга асосланган ўқитиши жараёнини амалга оширишининг янги методи” [9] деб таъриф берилган.

Педагогик амалиётда таълим беришнинг маъруза, семинар, лаборатория машғулотлари, мустақил ишлар, курс ишлари, назорат ишлари, синов, имтиҳон, маслаҳат каби шакллари яхши маълум. Масофавий таълим тизимида уларнинг алоҳида ўрни бор.

Масофавий ўқитиши анъанавий таълим шаклларидан қуйидаги характерли хусусиятлари билан ажralиб туради: эгилувчанлик (талабаларнинг машғулотларда қатнашмаслик, доимо маҳсус ўкув қўлланмалар тўпламига эга бўлиш, ўқитувчилар ва курсдошлари билан мунтазам мулоқотда бўлиш имконияти); мослашувчанлик (билими ва тайёргарлиги даражасидан келиб чиқиб, ҳар бир талаба учун индивидуал ўкув режасини тузиш); модуллик (масофавий таълим маълум бир предмет соҳасидаги аниқ курсга бирлаштирилган алоҳида модуллардан иборатлиги, гурӯҳ ёки шахснинг таълимга бўлган индивидуал эҳтиёжларини қондириш, доимий касбий ривожланишни таъминлаш; параллеллик (анъанавий кундузги, сиртқи, масофавий таълимни параллел равища олиб бориш имконияти); интерактивлик (асосан талабаларнинг бир-бирлари ва ўқитувчи билан доимо ўзаро алоқада бўлиши, юзага келадиган муаммоларни “он-лайн” режимида компьютер, Интернет, электрон таълим ресурсларидан фойдалангандан ҳолда ҳал қилишига имкон берадиган маҳсус технологиялар ва ўкув қўлланмаларини танлаш ва улардан фойдаланиш имконияти); мувофиқлаштириш (барчасини мувофиқлаштириш ўқитувчининг зиммасида: ўкув материаларини ўқиши ва назорат қилиш, фан бўйича

ўкув жараёнини ташкил этиш, талабаларнинг билиш фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқитилаётган курсга тузатишлар киритиш); назорат (ҳар қандай таълим жараёнининг ажралмас ва мажбурий қисми: масофавий ўқитиш жараёнида масофавий назорат усуллари, шунингдек анъанавий кундузги таълимдагидек синовлар, имтиҳонлар, семинарлар, коллоквиялар, сұхбатлар, амалий ва лаборатория машғулотлари ва компьютер синов тизимларидан фойдаланилади.

Масофавий таълимни ўкув жараёнида қўллаш предмети бўйича қатор назарий тадқиқотларни талқин этиш асосида биз қуйидаги хулюсага келдик: масофавий ўқитишининг мақсади аралаш таълим шароитида талабаларда педагогик компетентликни ривожлантириш модели асосида уларнинг педагогик билим, кўникма ва малакалар тизимини эгаллашларини таъминлашдан иборат. Шунингдек масофавий таълим талабаларда дастлабки педагогик меҳнат тажрибасини эгаллашими қўллаб-куватловчи, интегратив топшириклар ва машқлар тизимини ўз ичига қамраб олади. Таълим мазмуни методлар, ташкилий шакллар ва бевосита уларни амалга ошириш жараёнидан иборат. Масофавий таълимнинг юқори дидактик имкониятини ҳисобга олиб, масофадан ўқитиш технологияларининг қуйидаги фаолият функцияларини ажратиб кўрсатишмиз мумкин (уларнинг ҳар бири ўкув жараёнидаги фаолият методларидан бирига мос келади).

- тадқиқот – талабалар, ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва бошқа илмий ходимларнинг биргаликдаги турли хил тадқиқот ишларини ташкил этиш;
- маслаҳат – талабаларга тезкор маслаҳатлар беришни таъминлаш;
- тезкорлик – ўрганилаётган мавзу бўйича маълумотлар, гоялар, режаларни тезкор алмашинув;
- коммуникатив – талабалар ва таълим берувчиларда мулоқот кўникмаларини, мулоқот маданиятини шакллантириш;
- ахборот – ҳар-хил манбалардан маълумотларни олиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш кўникмаларини ривожлантириш;
- ривожлантириш – турли хил маълумотлар билан танишиш асосида талабаларнинг маданий, гуманитар соҳаларда ривожланишини таъминлаш.

Анъанавий ва масофавий таълимларнинг юқорида санаб ўтилган функцияларини ҳисобга олган ҳолда, ўкув жараёнини аралаш таълим асосида ташкил этиш, яъни кундузги таълимни масофавий таълим технологиялари ҳамда мустақил ўрганиш билан биргаликда жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳакида хулюсага келиш мумкин. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун анъанавий кундузги таълимнинг устувор жиҳатлари билан масофавий таълим технологияларининг афзаллilikларини оқилона бирлаштирган тарзда ўкув жараёни моделини ишлаб чиқиш асосида олий таълимда талим жараёнларини ташкил этиш ўзининг самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Өзбекистан Республикаси Президентиниң «Жоқары мағлыўматлы қенингелерди таярлаўдың сапасын арттырыўда экономика салалары менен тармақларының катнасын буннан байлай да кенеитиў илажлары ҳаққында»ғы қарары. Өзбекистан Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев. Ташкент қаласы. 2017 – жыл. 27-июль. //Еркин Қарақалпақстан. 2017-жыл. 1-август №96 (20026)
2. Аскаров А.Д. Масофавий ўқитиш таълим шаклининг ривожланиш босқичлари ва моделлари. 2015. <file:///C:/Users/ACER/Downloads/masofaviy-itish-talim-shaklining-rivozhlanish-bos-ichlari-va-modellari.htm>
3. Бегимкулов У.Ш., Бокиев Р.Р., Тўхтаматов Х.Р. Масофавий таълим терминлари изоҳли луғати. - Т.: ТДПУ, 2008. – 57 б.
4. Монахов Н.В. Эволюция дистанционного образования // Информационные технологии. – Москва, 2003. - № 2. – С.89-94.
5. Овсянников В. И., Кашицин В. П. Дистанционное образование в России //Постановка проблемы и опыт организации. – 2001. – С. 794.
6. Рахимов О.Д. Мустафаев М., Зоиров Н.И. Масофавий таълимнинг дидактик таъминоти. Ўқув қўлланма. – Қарши, 2012. – Б.45.
7. Тренды в e-learning в 2017 году (по материалам вебинара eLearning ON AIR) [Электронный

- ресурс]. - URL: <http://e-lpro.blogspot.ru/2016/12/e-learning-2017>.
8. Харланова Е.М. Развитие социальной активности студентов вуза в процессе интеграции формального и неформального образования: диссертация ... кандидата педагогических наук: 13.00.08 / Харланова Елена Михайловна; [Место защиты: Челябинский государственный педагогический университет].- Челябинск, 2015).
 9. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов X., Ҳайдаров M., Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: Fan va texnologiya, 2008. – 480 б.
 10. Что такое смешанное обучение [Электронный ресурс] - URL: <http://www.ispring.ru/elearning-insights/chto-takoe-smeshannoe-obuchenie/> (дата обращения: 11.01.2019).